# Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри базаси маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган юридик шахслар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)16414 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 15431 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 94,0 фоизини) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (23,9фоизи), саноат (14,1 фоизи), қурилиш (9,8 фоизи),қишлоқ,ўрмонвабалиқ хўжалиги(9,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турларибўйичақуйидагича тақсимланади:

| | Рўйхатга олинганлар | | Фаолият кўрсатаётганлар | |
|---|---|---|---|---|
| | бирлик | якунга нисбатан фоизда | бирлик | якунга нисбатан фоизда |
| **Жами** | **16414** | **100,0** | **15431** | **100,0** |
| шу жумладан: | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 1560 | 9,5 | 1418 | 9,2 |
| саноат | 2315 | 14,1 | 2190 | 14,2 |
| қурилиш | 1607 | 9,8 | 1480 | 9,6 |
| савдо | 3927 | 23,9 | 3610 | 23,4 |
| ташиш ва сақлаш | 1080 | 6,6 | 1031 | 6,7 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 936 | 5,7 | 868 | 5,6 |
| ахборот ва алоқа | 216 | 1,3 | 201 | 1,3 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 672 | 4,1 | 666 | 4,3 |
| бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш | 4101 | 25,0 | 3967 | 25,7 |

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 14,3 фоизи нодавлат мулки,шундан21,8 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 63,2 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектларюридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида




2017 йил январь-март ойларида жами 736та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми Бухоро шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 31,2 фоизи),Ромитан (12,1 фоизи), Ғиждувон (10,9 фоизи)ва Бухоро(7,1 фоизи)туманларига тўғри келади.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

